O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI
INV.№

Миллий тиклaниш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 19-iyul, chorshanba, 29 (359)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

ЎРИКЛИСОЙ ИЛҲОМЛАРИ

Зоминда Республика ёш ижодкорларининг анъанавий анжумани бўлиб ўтди.

Мана, ўн йилдирки, Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик тантаналари арафасида Жиззах вилояти Зомин туманининг гўзал Ўриклисой оромгоҳида Республика ёш ижодкорларининг семинар-кенгаши ўтказиб келинмоқда. Бу ерда кашф этилган ижодкорларнинг кўпчилиги бугун қатор китоблар муаллифи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошида ташкил этилган Олий адабиёт курси тингловчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларидир.



Ўн йил давомида анжуманда 400 нафардан ортиқ ижодкор ёшларнинг шеърият, наср, драматургия, болалар адабиёти, бадиий таржима, адабиётшунослик борасидаги ижод намуналари муҳокама қилинди.

Семинар-кенгашда ёш истеъдодлар устозлар сабоғидан баҳраманд бўладилар. Тенгдошлари ижоди билан танишадилар. Ижодкор учун асарларини ўқиб таъсирланган ва адабиётга кириб келишига сабабчи бўлган устозлар билан учрашишдан ҳам каттароқ бахт бормикан?!

Иқтидорли ёшлар уч кун давомида оз бўлса-да, ҳақиқий адабиёт қандай бўлиши ҳақида тушунчага эга бўладилар. Уларнинг баъзилари ана шу кунларда ижодда ўз йўлини белгилаб оладилар.

Тадбир учун юртимизнинг бундай сўлим гўшаси танланганлиги ҳам бежиз эмас. Улуғвор тоғлар, шарқироқ зилол сойлар инсон қалбидаги самимий, соф ҳисларни жунбушга келтиради.

Бу йилги Зомин семинари «Биз — Президент фарзандларимиз» шиори остида ўтказилди. Тадбир қатнашчилари йўлга отланиш олдидан Мустақиллик майдонини зиёрат қилиб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбарлар қўйдилар. Бу бугунги ёшларга бўлган юксак эътиборга улар томонидан берилаётган муносиб жавоб, дилларидаги Ватанга, эл-юртга бўлган муҳаббатлари рамзидир.

Ниҳоят ижодкор ёшлар орзиқиб кутган анжуман бошланди. Улар узоқ йўл юриб келганликларига қарамай юзларида ҳеч қандай чарчаш аломатлари сезилмас, гўёки анчадан буён кўришолмай қолган қариндошлардек бир-бирларининг суҳбатларига тўйишмасди.

(Давоми 3-бетда)

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Китоб туман кенгаши ташаббуси билан «Йўлдош» маҳалла фуқаролар йиғинида «Ёшлар ва маънавият» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Бухоро туман кенгаши Галаосиё педагогика коллежида «Эгали юрт эркини бермас» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

* * *

Мустақиллигимизнинг 15 йиллигига бағишлаб партиянинг Жиззах вилоят ва Ғаллаорол туман кенгашлари ҳамкорлигида «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши Янгиариқ туман маданият ва спорт бўлими билан ҳамкорликда вилоятдаги болалар оромгоҳларида «Спорт — соғлиқ гарови» номли спорт мусобақалари ташкил этишди.

* * *

Партиянинг Бухоро вилоят Жондор туман кенгашида партия фаоллари билан «Аёл — баркамол авлод мураббийси» мавзуида учрашув ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Косон туман кенгаши ташаббуси билан «Мудин» маҳалла фуқаролар йиғинида «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Хоразм вилоят кенгашида ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Жиззах вилоят Мирзачўл туман кенгашида «Мурувватлилик — инсон зийнати» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Миришкор туманидаги «Ободон» маҳалла фуқаролар йиғинида партиянинг туман кенгаши ташаббуси билан «Сўз эркинлигининг маънавий асослари» мавзуида давра суҳбати ташкил қилинди.

* * *

Партиянинг Хоразм вилоят Шовот туман кенгаши ташаббуси билан болалар дам олиш оромгоҳларида «Ёшларимиз — миллатимиз келажаги» мавзуида ижодкорлар билан учрашув ўтказилди.

* * *

Партиянинг Самарқанд туман кенгашида «Биз буюк зотлар авлодимиз» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Сирдарё вилоят Мирзаобод ва Сайхунобод туман кенгашларида «Маънавий-маданий меросимиз дарғалари» мавзуида учрашув ўтказилди.

* * *

Партиянинг Бухоро вилоят Когон туман кенгашида «Биз ўз куч ва имкониятларимизга ишонамиз» мавзуида тадбири бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Наманган вилоят Чортоқ туман кенгаши ташаббуси билан «Ёшлар ва жамоат ташкилотлари» мавзуида тадбир ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.

Фарзандлари соғлом, бахтиёр юртнинг эртаси ёрқин, келажаги буюк бўлади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига алоҳида масъулият ва эътибор билан қаралмоқда. Шу билан бирга етим ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум болаларга ғамхўрлик қилиш бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Биласиз, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш муаммолари билан жамоат ташкилотлари, айниқса, "Сен ёлғиз эмассан" республика болалар жамғармаси фаол шуғулланмоқда. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг мазкур жамғарма билан яқиндан ҳамкорлик қилаётганлиги болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш самарадорлигини кучайтиришга имконият яратмоқда.

ФАРЗАНД ТАҚДИРИ — МИЛЛАТ ТАҚДИРИ

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОЗ

Халқимиз феъл-атвори хусусида гап кетса, энг аввало, болажон, меҳмондўст, танти, бағрикенг каби хислатлар тилга олиниши табиий. Зеро, бундай фазилатларнинг азал-азалдан қон-қонимизга сингиб кетганлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Биргина "болажон" деган сўзни олиб кўрайлик. Бундай таърифга сазовор бўлиш учун фарзандни ахлоқан етук, маънан баркамол этиб тарбиялаш лозим.

Бироқ сир эмаски, гуруч курмаксиз бўлмас деганларидек, ўсмирлар орасида ондасонда бўлса-да, жиноят содир этиш ҳолатлари кузатилаяпти. Хўш, нега шундай?

Руҳшуносларнинг фикрича, инсон умрининг энг таъсирчан, ҳаяжонли дамлари — бу болалик экан. Ўсмирларда илғаш, ўзлаштириш, нимани кўрса шунга тақлид қилиш кучли бўлиб, шунинг учун бундай пайтда уларнинг тарбиясига алоҳида масъулият билан қараш уқтирилади. Лекин уқтирган бошқа-ю, унга амал қилиш бошқа экан.

БИРИНЧИ МАНЗАРА

Болалар хулқ-атворида қўполликнинг кўзга ташланиши, умуман, уларнинг тарбиясига дахлдор жараёнларни ўрганиш мобайнида шунга амин бўлдикки, жиноят содир этишга мойилларнинг аксарияти ота-она қаровисиз қолган болалар экан. Ўсмирлар орасида жиноят содир этилаётганининг яна бир сабаби, уларнинг аксарияти нобоп оила фарзандларидир. Яъни уларнинг ота-онаси бор, бироқ оилада болага нисбатан лоқайдлик ҳукмрон. Бундай оилалардаги фарзандга эътиборсизлик, мактабда ўқиш иштиёқининг йўқолиши негизида ота-она ва бола ўртасида зиддият юзага келиши, ғамхўрликдан маҳрум бўлиш, ўзининг ортиқчалигини ҳис этиш уларни уйдан бездиради. Энг ёмони, бундай тоифадаги болаларда ҳаёт ҳақида нотўғри тасаввур шаклланиб, одатда, улар тенгқурларига салбий таъсир кўрсатишади. Келинг, шу ўринда бир мисолни айтсак.

Р. исмли ўсмир шаҳарларимиздан бирида яшайди. Ота-онаси бор ва улар ўзларига тўқ. Р. саккизинчи синфдан кейин уйга кеч келадиган, дарсларга эса яхши қатнашмайдиган одат чиқаради. Бора-бора у кўча болаларига қўшилиб катта-кичик ўғирлик қилишга, йўловчиларни тунашга ружу қўяди. Алал-оқибат қўлга тушган Р. тергов қилинганда маълум бўлдики, унинг бу хатти-ҳаракатларига ота-онаси сабабчи. Нега десангиз, айнан улар боласининг юриш-туришини назорат қилишмаган. Доимий зиёфатлардан, меҳмондорчиликлардан чарчамайдиган эрхотиннинг тарбияга вақти бормикан? Мана энди улар фарзандларининг қинғирлик-

Бугуннинг гапи

лари учун жавоб беришади. Аммо гап фақат жавоб беришда эмас, аксинча, уларнинг феъл-атворларида. Агар улар ёлғиз (!) фарзандлари тарбиясига ўз вақтида масъулият билан қараганларида эди, аниқки, бундай воқеа рўй бермасди. Ваҳоланки, улар ўғилларининг айни вояга етаётган пайтларида (бундай пайт ўсмирлар тарбиясида муҳим эканлигини айтдик) бепарво бўлишган, лоқайдликка берилишган.

ИККИНЧИ МАНЗАРА

Бозорларда, савдо расталарида газета, чой, пичоқ ва шунга ўхшаш нарсаларни сотиб юрадиган болаларни кўп учратамиз. Тўғри, уларни тушуниш мумкин: тирикчилик, рўзғорга қайишай, дейди. Бироқ, уларнинг эртанги тақдири нима бўлади? Бу савол туғилишига яқинда Чилонзор буюм бозорида (собиқ Отчопар) газета сотиб юрган ўсмир билан тасодифан қилинган суҳбат сабаб бўлди.

Тахлам-тахлам нашрларни кўтариб, биз ўтирган автобусга чиққан ўспиринниг гапдан-гап чиқиб айтишича, ўқишни унча яхши билмас экан. Ундай бўлса, газеталар номини қандай биласан, деб сўрасак, у: "Рангига қараб ҳам ажратаман", — дейди. Ўша куни кўпчиликни ўйлантирган нарса шу бўлдики, бундайларнинг айримларида саводнинг тайини йўқ. Шулардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, уларнинг ёмон йўлларга кириб кетмаслигига кафолат бериш қийин.

Бундай мисоллар билан танишиш гарчи оғир туюлсада, мавжуд ҳолатдан кўз юмиб ҳам бўлмайди. Агар бундан ўзимизни олиб қочсак, уларни бартараф этиш учун бир тану бир жон бўлиб курашмасак, "яра"нинг газаклаб кетиши ҳеч гап эмас. Шунингдек, фикримизча, жойларда тегишли идора ва муассасалар ўртасида ҳамкорлик самарали йўлга қўйилганда эди, бундай ташвишланарли ҳолатлар камроқ кўзга ташланган бўлармиди? Демак, оилаларда маънавий-руҳий муҳитнинг яхшиланиши энг муҳим юмушимизга айланиши шарт!

ХУЛОСА

Тўғри, ҳеч ким онасидан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Нотўғри тарбия, носоғлом муҳитгина ўсмирларни ножоиз йўлларга киришига замин яратади. Юқорида қайд этилган комиссия томонидан олиб борилаётган тадбирлар, маънавий-маърифий учрашувлар ўз натижасини бермоқда. Лекин ўсмирларнинг нотўғри йўлларга кириб кетишининг олдини олиш фақат вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг эмас, балки тегишли мутасадди ташкилотлар, маҳалла-кўй, мактаб ва шунга ўхшаш даргоҳларнинг ҳам бурчидир.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши ва «Миллий тикланиш» газеталари

«МУСТАҚИЛЛИК — ЁШЛАР НИГОҲИДА»

мавзусидаги ижодий ишлар кўрик-танловини эълон қилади.

Она Ватанимиз мустақилликка эришганига 15 йил тўлмоқда. Тарих учун қисқа бўлган бу вақт Ўзбекистон учун асрларга татигулик йилларга айланди. Мамлакатимиз янгиланишлар, ўзгаришлар жараёнини бошдан кечирди. Бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, туб янгиланишлар бунинг яққол исботидир.

Мазкур танловни ўтказишдан мақсад вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, Ватанга меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашга хизмат қилишдан иборат.

Танловда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари қатнашишлари мумкин.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

Танлов уч йўналишда ўтказилади:
- **Энг яхши мақола**
- **Энг яхши шеър**
- **Энг яхши фотосурат**

Иштирокчилар ўз ижодий ишларида мустақиллик давридаги бунёдкорлик ишлари, жамиятимиздаги янгиланишлар жараёни, иқтисодий, ижтимоий, демократик ва ҳуқуқий ислоҳотлар, мустақиллик даврида қўлга киритилган ютуқлар, ёшларнинг мустақиллик даврида эришган ютуқларини, уларнинг тафаккурида кечаётган янгиланиш жараёнларини акс эттиришлари керак.

Ижодий ишлар 2006 йил 15 июлдан 15 августгача қабул қилинади ва уларнинг энг муносиблари "Миллий тикланиш" газетаси саҳифаларида ёритилади.

Танлов ғолиблари 2006 йил 25 август куни аниқланади ва "Миллий тикланиш" газетасида эълон қилинади.

Ижодий танловнинг 3 нафар ғолиблари қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Мурожаат учун телефон:
ЎзМТДП Марказий кенгаши: 144-81-28, 144-83-05
"Миллий тикланиш" газетаси: 136-58-73

ПАРТИЯ НАШРЛАРИГА ЭЪТИБОР

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнларида сиёсий матбуот фаолиятини такомиллаштириш муаммолари" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда сиёсий партиялар ва сиёсий газеталар раҳбарлари, жамоат, нодавлат, нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Мамлакатимизда демократик жамият қуриш фаолияти ўзининг янги босқичига кирди. Бунда жамият ҳаётининг барча соҳаларида янгиланиш жараёнлари, давлатни модернизация қилиш талаблари ва сиёсий ислоҳотлар давомийлигини таъминлаш долзарб вазифа ҳисобланади. Юртбошимиз таъкидланидек, "... Информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги глобаллашув шароитида матбуот, айниқса, журналистлар зиммасида бир-биридан долзарб, бир-биридан масъулиятли вазифалар турибди. Лекин уларнинг орасида энг муҳим бир йўналиш борки, у ҳам бўлса, халқимиз манфаатларини ҳимоялашдан иборат."

Демократик жараёнларни чуқурлаштиришда сиёсий партиялар ва сиёсий партия нашрлари зиммасига ҳам алоҳида вазифалар юклатилган. Ҳозир республикамизда фаолият юритаётган бешта сиёсий партия ўз нашрига эга бўлиб, улар мунтазам равишда чоп этилмоқда. Мазкур газеталарда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, ижобий янгиланишлар, шунингдек, камчиликлар ёритиб бориляпти.

Давра суҳбатида ҳар бир партия нашрининг охирги ойлардаги сонлари чуқур таҳлил этилиб, улардаги ютуқ ва камчиликлар атрофлича муҳокама этилди. Шу билан бирга партия нашрларига сифат ўзгаришларига эришиш, муаммолар ечимини белгилаш, аҳоли ўртасида мавқеини ошириш таклифлари билдирилди.

Баҳс-мунозара тарзида ўтган давра суҳбатида иштирокчилар ўзаро фикр алмашдилар.

Ҳ.КАРИМОВ.

ФАҚАТ ТАДБИР БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

Бугун мамлакатимизда бешта сиёсий партия фаолият кўрсатаяпти. Хўш, жамиятимизнинг ҳозирги ҳаётида бу кучлар қанчалик аҳамиятга эга? Шу ва умуман, сиёсий партиялар фаолияти билан боғлиқ саволлар билан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" партияси Фарғона вилоят кенгаши раиси Бахтиёр МЎМИНОВга мурожаат қилдик.

— Бахтиёр Ғуломович, мана яқинда "Миллий тикланиш" партияси ташкил топганига ҳам, партиянинг Фарғона вилояти кенгашига раислик қилаётганингизга ҳам ўн бир йил тўлди. Тажрибали раҳбар, партиямиз етакчиларидан бири сифатида айтинг-чи, бугунги ҳаётимизда сиёсий партияларнинг ўрнини қандай баҳолайсиз?

— Суҳбатимиз аввалида бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчи эдим. Истиқлолнинг ўн беш йили ичида сиёсий плюрализмга кенг йўл очилди. Унинг пойдевори сифатида мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими яратилди. Шу йилларда фуқароларимизда мавжуд бўлган сиёсий қарашлар ҳам тубдан ўзгарди, дея бемалол айта оламиз. Чунки, сир эмас, собиқ иттифоқ даврида кўппартиявийлигу улар ўртасидаги рақобат ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди.

Партия ҳаёти

Аммо яна бир ҳолат мавжудки, буни айтмасдан иложимиз йўқ. Кўпчилигимизда ҳали ҳам эскича қараш мавжуд, тўғриси, ҳанузгача сиёсий партиялар нима иш қилиши кераклиги ҳақида аниқ тасаввурга эга эмасмиз, билганларимиз ҳам партияларнинг ҳаётимизга амалий таъсир кўрсатишига унчалик ишонмаймиз. Боиси, сиёсий жараёнларда унчайин иштирок этавермаймиз. Шу сабаб айрим жойларда сиёсий ташаббускорлик анча суст. Фуқаролар англаб етишлари керакки, сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этиш бевосита ўзлари ёки билвосита вакиллари орқали давлат ва маҳаллий бошқарувни амалга ошириш имконини беради. Жойларда аҳоли манфаатларига зид хатти-ҳаракатларни партия орқали ҳам чеклаш мумкин. Чунки партия, аввалламбор, бу — сиёсий куч.

Бевосита ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган партиялар ҳақида гапирганимизда, асосий ютуқни ҳозирги партияларнинг орасида ижобий рақобатнинг мавжудлигида деб биламан. Буни парламент ва жойлардаги вакиллик органлари фаолиятида яққол кўришимиз мумкин.

(Давоми 2-бетда)

ФАҚАТ ТАДБИР БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

(Боши 1-бетда)

Бугунги кунда одамлар ўз муаммоларига ечим излаб, нафақат ички ишлар ёки суд идораларига, балки партияга ҳам тобора кўпроқ мурожаат қилмоқда. Бу ҳаётимизда партияларнинг нуфузи ошиб бораётганлигидан далолат.

— Сиз раҳбарлик қилаётган партиянинг вилоят кенгашида нима ишлар қилиняпти? Жумладан, маҳаллий вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатлари фаолияти ҳақида нима дея оласиз?

— Вилоятда "Адолат" ва "Фидокорлар" партиялари билан норасмий бўлса-да блок тузганмиз. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Фарғона вилоят бўлими, "Нуроний", "Камолот" каби жамоат ташкилотлари эса доимий ҳамкорларимиз.

Сир эмас, сўнгги пайтларда ёшларимизда китобга бўлган қизиқиш сусайган. Кутубхоналар сони ҳам 150 тадан 35 тага тушиб қолган. Бу эса нафақат бугуннинг, балки эртанинг ҳам муаммосига айланиши мумкин. Вилоят кенгаши ташаббуси билан кутубхоналар ишини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар бошлаб юборилган.

Партиямиз Уставида белгиланган муҳим вазифалардан бири — "Ватанпарварлик ҳиссини камол топтириш" ғоясини ёшларимиз онгига сингдириш, уларнинг ақлий-ижодий салоҳиятини Ватан равнақига йўналтириш мақсадида вилоятдаги ўқув даргоҳларида талаба ва ўқувчилар билан бой ҳаёт ҳамда тажрибага эга ҳамкасбларимиз билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказмоқдамиз.

Шунингдек, "Маънавият ва маърифат" маркази билан ҳамкорликда "Ёш нотиқлар мактаби"ни тикламоқчимиз. Яқинда вилоят миқёсида мумтоз қўшиқлар ва қизиқчиаскиячилар кўрик-танловини ўтказдик. Бу каби тадбирлар орқали ҳам миллий қадриятларимизга эътибор бериляпти, ҳам аҳолининг сиёсий маданияти ошяпти.

Бевосита жойлардаги муаммолар бўйича ҳам депутатларимиз алоҳида шуғулланишмоқда. Фарғона вилоятида яхши бир анъана бор, билмадим, балки бу бошқа жойларда ҳам мавжуддир. Вилоят ҳокимлигида тегишли идоралар иштирокида ҳар ҳафтада жойлардаги муаммолар таҳлил қилинади. Партиямиз ҳам бу тадбирнинг энг фаол иштирокчиларидан бирига айланган, десам хато бўлмайди.

Ростини айтиш керак, илгари муаммоларнинг ечими асосан шикоятчини "юпатиш" руҳида бўларди. Ҳозир эса бундай эмас. Бир мисол. Вилоят кенгаши ташаббуси билан Олтиариқдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхона беркилишининг, яъни кўплаб одамларнинг ишсиз қолишидай нохуш ҳолатнинг олди олинди. Қишлоқ ва туманлардаги ишсизлик муаммосини ҳал қилиш бўйича ҳам амалий ишлар олиб борилмоқда.

Яқинда ўтказилган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтказилган сайловларда ҳам партиямиздан 12 та номзод маҳалла оқсоқоли этиб сайланди. Шу ўринда, улардан 4 таси хотин-қизлар эканлигини алоҳида таъкидламоқчи эдим.

Маҳаллий кенгаш депутатлари ҳақида гапирадиган бўлсак, уларнинг барчаси муносиб вакиллар. Акс ҳолда уларни халқ сайламасди. Мисол учун вилоят кенгаши депутати Зокиржон Турсунов, Данғара туман кенгаши депутати Бердиали Бегматов, Қўқон шаҳар кенгаши депутати, фахрий ҳуқуқшунос Ҳамзахон Охунжонов каби фаолларимизни келтиришимиз мумкин. Уларнинг фаоллиги нимада кўринади? Улар кенгаш топшириғини кутиб ўтиришмайди. Халқ билан ишлашади, халқ билан бирга.

Масалан, Зокиржон Турсунов ташаббуси билан ҳозирда ёшлар учун стадион қуриш ишлари бошланган. Зокиржоннинг "Зиёлилар — жамиятнинг локомотиви" деган бир гапи бор. Шунингдек, у гапининг амалий исботи сифатида йиғилишларда ўқитувчи ва бошқа зиёли қатлам вакилларининг меҳнатини рағбатлантиришни янада кучайтириш зарурлигини кўп таъкидлайди.

Аюбжон Янгибоев деган илғор сафдошимиз Олтиариқ туман кенгашига раислик қилиш билан бирга, бу йил ўзи раҳбарлик қиладиган фермер хўжалигида давлатга ғалла сотиш режаларини ошиғи билан бажарди. У партия топшириқларини ҳам доимо уддалаб келмоқда. Ана шундай фаол сафдошларимиз жуда кўп бўлгани боис, вилоятимизда "Миллий тикланиш"нинг обрўси ҳам, электорати ҳам ошиб бормоқда.

— Одамларни партия ишига жалб қилиш учун нима қилиш керак?

— Аҳолини партия фаолиятига жалб қилиш замирида уларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини ошириш мақсади ётади. Бир мулоҳазам бор. Минглаб томошабинларни ўзига михлаб оладиган ойнаи жаҳонда кечки вақтда аҳолининг сиёсий маданиятининг ўсишига таъсир қиладиган кўрсатувлар беришса айни муддао бўларди. Натижада айрим ёшларимизда ҳаётга жиддий муносабат етишмайди. Чунки улар мамлакат сиёсий ҳаётида нима бўлаётганини кам билишади.

Керакли ахборотларни олишда ҳам тартиб етишмайди. Шунингдек, ахборотга бўлган ташналикни қондиришда ҳам шундай ҳолни кўриш мумкин. Бу нафақат одамларнинг, балки оммавий ахборот воситаларининг ҳам муаммосидир. Буни жиддий ўйлаб кўришимиз керак. Енгил-елпи ғояли фильмларни бошқа вақтга кўчиришимиз керак, деб ўйлайман.

Сиёсий партиялар ғоялар, фикрлар, қарашларни чархлаш майдони бўлиши керак.

Яна бир асосий йўналишлардан бири партиялар сафини малакали ва шижоатли кадрлар билан тўлдиришда кўринади. Шу маънода жойлардаги партия кенгашларида ходимлар учун ўқув семинарлари ўтказиб борилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Суҳбатдош: Шерзод ХАЙИТМУРОДОВ.

Мустақиллик миллат орзуси, ўз ривожланиш йўлини ўзи танлаш ҳуқуқидир. Истиқлол боис Ўзбекистон ўз орзуларини рўёбга чиқариш имкониятига эга бўлди, демократия сари олға қадам ташлади.

Орзулар рўёби

Кейинги йилларда барпо этилаётган юзлаб янги бинолар, спорт иншоотлари, йўллар ва кўприклар, шифохоналар, коллеж ва лицейлар, шунингдек, минглаб гектарларни эгаллаган, янгидан яратилган боғроғлар, дарахтзорларнинг барча-барчасида халқнинг орзу-умидлари мужассам. Бу ишлар истиқлолимиз шарофати билан бўлмоқда.

Бугун Ўзбекистон халқи нафақат ўз тақдирини, балки бутун жаҳон халқлари тақдирини ўйламоқда. Ҳалқимиз фиску фасодлар, террорист ва ақидапарастларни ирода ва ақл кучи билан енгишни тўғри йўл деб билади. Мустақиллик даврини сархисоб қилсак, муҳим тарихий даврни бошдан кечираётганимизни англаймиз. Истиқлол мафкураси, мустақиллик ғоялари бизнинг шахс сифатида камол топишимизда муҳим ўрин тутади. Инсонийлик ва одамийлик сифатини улуғлаб яшашга ундайди у.

Мустақиллик ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Хуррият йўлида курашиб, умрини қурбон қилганлар кўп бўлди. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Убайдуллахон, Фитрат сингари Туронюртнинг асл фарзандлари истиқлол учун жонини тутди. «Пахта иши» деб неча-неча ўзбек ўғлонлари қурбон бўлдилар. Шукрки, бугун ўз йўлимиз бор. Ора-сирада ислом динини ниқоб қилиб, ҳар хил найранглар билан ёшларни йўлдан оздиришга интилувчилар ҳам учраб турибди. Улар танлаган йўл хато эканлиги ҳаммага маълум.

Халқимиз ҳар қандай ташқи ва ички диний экстремизм хуружига қарши туриши учун фуқароларимизни мустақиллик мафкураси билан қуроллантириш, шу мафкура атрофида жипслаштириш лозим. Бу борада Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси бир қатор эзгу ишларни амалга оширишга улгурди. Партия фаоллари томонидан аҳоли ўртасида уюштирилаётган тадбирларга кўпроқ ёш авлод вакилларининг жалб қилинаётгани ҳам шундан. Партиянинг Қашқадарё вилоят кенгаши фаоллари ҳам маҳалла, мактаб, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида бир қанча маънавий-маърифий тадбирлар ва давра суҳбатларини ўтказиб, фуқаролар, айниқса, ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришга интилишмоқда. Орзулар рўёбини кўриш қувончли, албатта. Истиқлолни асраш, ардоқлаш эса Она Ватанга меҳру муҳаббатимизнинг беқиёслиги билан белгиланади.

Даврон КЕСИМОВ, ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари.

Партия ҳаёти

Режа — дастуримиз

Ёшлар эртанги кун эгалари, юртимиз келажаги ворисларидир. Улар ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари, маънавий камолотга эришишида сиёсий партияларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор, албатта. Партиямиз ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларнинг бош йўналиши ҳам ана шу масалага қаратилган.

Партия дастурида қайд этилганидек, ўз-ўзини теран англаган, сиёсий маданияти шаклланган, демократик ғояларга садоқатли, ташаббускор, истиқлол ва Ватан истиқболи манфаатларини ҳар қандай манфаатлардан устун деб биладиган, миллат равнақи ва миллий тикланиш йўлида қайғурадиган ёш авлодни тарбиялаш — муҳим масала.

ЎзМТДП Тўрақўрғон туман кенгаши касб-ҳунар коллежларида бир қатор тадбирлар, учрашув ва мулоқотлар ташкиллаштирмоқда.

Ёш авлодни тарбиялашни ўзининг вазифаси деб билан партиядошларимиз ташаббускорлигида тумандаги Бадиий гимнастика мактабида «Спорт — бизнинг дўстимиз» мавзуида Косонсой, Мингбулоқ, Чуст ҳамда Тўрақўрғон тумани ёшлари ўртасида дўстлик учрашуви ўтказилди. Мактабгача тарбияни янада жонлантириш мақсадида халқ таълими бўлимига қарашли 44-сонли мактабгача таълим муассасасида ноанъанавий усулда семинар-йиғилиш ташкил қилинди. Тадбир қизғин суҳбат асосида ўтди.

Партиянинг туман кенгашида мустақиллигимизнинг 15 йиллиги муносабати билан тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ҳам муҳим масалалардан биридир. Мустақиллик байрами арафасида уларга ҳомийлик ёрдамларини кўрсатишни мақсад қилиб олганмиз. Бир сўз билан айтганда, партиянинг туман кенгаши аъзолари бундай эзгуликлар йўлида бамаслаҳат иш кўришни ўз бурчлари деб билишади.

Маъмура КЕНЖАЕВА, ЎзМТДП Тўрақўрғон туман кенгаши аъзоси.

Маъмун академиясининг 1000 йиллигига

АЖДОДЛАРИ АЛЛОМА ЮРТ

Арифметика, алгебра, геометрия, тригонометрия, физика, география, картография ва бошқа фанларнинг ривожланишига ўзларининг илмий салоҳияти билан салмоқли ҳисса қўшган Маъмун академияси олимларининг ишлари билан ҳар қанча фахрлансак оз. Бутун дунё ҳозиргача ўша буюк зотларнинг фан оламидаги бемисл хизматларига тан бериб келмоқда.

Улуғ олим Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий асарларининг умумий сони ҳозиргача маълум бўлмаса-да, унинг фан тарихида муҳим ўрин тутган арифметика, алгебра, астрономия ва географиядан 5 та асари бизгача етиб келган. Алломанинг «Фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала», «Астрономик жадвал» («Зиж»), «Ҳисоб алҳинд» («Ҳинд ҳисоби»), «Китоб сурат ал-арз» («Ер сурати») ҳамда яҳудийлар календари ҳақида рисоласи араб ва лотин тилига бир неча марта таржима қилинган. Бу асарлар бир неча асрлар давомида ўз даври ва кейинги замон олимлари учун қўлланма бўлиб хизмат қилган. "Ер сурати" китоби Шарқу Ғарбда география фанининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган. «Ҳинд ҳисоби» номли рисоласи эса 0 дан 9 гача бўлган ўнли система рақамларига бағишланган. Хоразмий Ҳиндистонда кашф этилган бу рақамларни соддалаштирди ва уларни биринчи бор араб тилида баён этди. Улар XI асрда Хоразмийнинг рисоласи туфайли ҳиндлардан арабларга, кейинроқ Европага ўтди. У ўзининг «Ҳисоб ал-жабр ал-муқобала» номли асари билан алгебра фанига асос солди ва уни алоҳида фан даражасига кўтарди.

Хоразмийнинг алгебрага оид асаридан кейин Шарқда алгебра фани кенг тараққий этади. Масалан, X-XI асрларда Абул Вафо Хоразмийнинг алгебрасини шарҳлаб асар ёзган бўлса, Абу Комил ва Кархий Хоразмийнинг алгебрасини тўлдириб, янги усуллар киритиш йўли билан алоҳида асарлар ёзадилар. Умар Хайём эса Хоразмий асарларини тараққий эттириб, ўзининг алгебрага доир асарини яратади ва унда учинчи даражали тенгламаларнинг геометрик ечиш усулини баён этади.

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий астрономия фанини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлган ўрта аср Шарқида яратилган энг биринчи зиж-математик ва астрономик жадвалларнинг ҳам муаллифидир. Бу жадваллар асрлар давомида Шарқда ва Ғарбий Европада қўлланма бўлиб келган.

Америкалик шарқшунос Д.Сартон Хоразмийни "Барча замонларнинг энг буюк математикларидан биридир", деб таърифлаганди.

Маъмун академиясида Хоразмий билан ишлаган хоразмлик машҳур олим Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний буюк қомусий олим деб тан олинган.

Беруний ёзиб қолдирган математикага ва фаннинг бошқа соҳаларига оид асарлар сони 100 дан ортиқ бўлган. Улардан энг йириклари — «Ҳиндистон», «Ёдгорликлар», «Қонуни Масъудий», «Геодезия», «Минерология» ва «Астрономия» каби асарлардир. Буюк олимнинг математика, астрономик асбоблар, астрология, физика, минерология, адабиёт, тарих ва ҳоказо фанларга бағишланган 50 дан ортиқ ҳамда 20 дан ортиқ таржима асарларидан борйўғи 30 га яқини бизгача етиб келган.

Берунийни кўпроқ жалб қилган фан астрономия эди. Шунинг учун олим ўзининг асосий кузатишлари ва илмий ишларини шу соҳада олиб бориб, ўзининг кўплаб асарларини бу фаннинг турли масалаларини ҳал этишга бағишлайди. У «Геодезия» асарида осмон жисмларини кузатиш учун зарур бўлган ноёб асбобларни ўзи ясаганлигини ва 990-991 йилларда Хоразм шаҳрининг кенгламасини ва тушки қуёш баландлигини аниқлаганлигини кўрсатади.

Кейинчалик олим турли астрономик асбоблар — армилляр сфера, «Ҳиндия» доираси, астролябиялар, меридианлар йўналишини аниқлаш асбоби (бу асбоб йиллар давомида Шарқда компас ўрнини босиб келган) ва дунёда биринчи бўлиб Ер шарининг нусхаси— глобусни яратди. «Юлдузшунослик негизларини тушунтириш китоби» эса кўплаб мамлакатларда узоқ вақт астрономия ва математикадан дарслик вазифасини ўтади. Академик Крачковский айтганидек: «Беруний қизиққан соҳаларни санаб чиқишдан кўра, қизиқмаган соҳаларни санаб чиқиш осонроқдир».

Буюк қомусий олим Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний 1048 йилда Ғазнада вафот этди. Унинг бой илмий мероси ҳанузгача умумжаҳон илм аҳлларини ҳайратга солиб келмоқда. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин улуғ олимнинг хоки Ғазна шаҳридан туғилиб ўсган ватанига олиб келинди. Ҳозир у Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний шаҳрида сақланмоқда.

XVIII асргача жаҳонга «Альфраганус» номи билан машҳур бўлган олим, математик ва астроном Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад Касир Фарғоний ҳам Хоразмий, Беруний, Ибн Синолар билан бир қаторда Маъмун академиясида хизмат қилган.

Халифа ал-Маъмун 832 йилда Дамашқда расадхона қурдирганди. Расадхонада осмон жисмларини, юлдузлар ҳаракатини кузатиш ўша давр имкониятидан келиб чиқиб мукаммал йўлга қўйилган. Кузатишларида Фарғоний ҳам фаол қатнашиб, «Ал-маъмуннинг текширилган жадваллари» номли китоб ёзган. Унинг «Астрономияга кириш» номли китоби ҳам машҳур. Фарғоний-нинг «Осмон ҳаракатлари ва астрономия фани тўплами ҳақида китоб» (Китоб фи ҳаракати самовия ва жавомиъ илми нужум) номли асари араб тилида ёзилган биринчи китоб ҳисобланади. Бу асардан XVI асргача кўпгина мамлакатларда, жумладан, Европа университетларида ҳам дарслик сифатида фойдаланилган.



Маъмун академиясида фаолият кўрсатган Абул Вафо Муҳаммад Бузжоний, Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳасан Кархий ал-Ҳосибий, Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдулло ибн Сино, Абу Фатҳ Умар ибн Иброҳим Хайём, Абу Саҳл Вайжон ибн Рустам ал-Кўҳий, Абул Муҳаммад Ҳамид ибн ал-Хизр Хўжандий, ан-Насавий, Насриддин Тусий каби алломалар ҳам фанларнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшишган.

Европада фанларнинг тараққий этишида аждодларимизнинг илмий мероси муҳим аҳамият касб этган. Буюк математик ал-Хоразмийнинг меҳнати туфайли бутун дунёда ҳинд рақамлари ва уларга асосланган ўнли ҳисоблаш системаси тарқалди. Ҳисоблашда рим рақами ва сонларни сўз орқали ёзиб бажаришдаги ноқулайликлар бартараф қилиниб, ҳисоблашлар ихчамлаштирилди.

Бобомиз Абу Райҳон Беруний тригонометрияни алоҳида фан сифатида ривожлантирганда XI аср эди. Итальян олими Бонавентура Кавальери орадан олти аср вақт ўтиб, XVII асрда тригонометрик функцияларнинг қийматлар жадвалини яратди.

Маъмун академияси олимлари меридиан ёйини ўлчаганларидан 700 йил кейин ва Абу Райҳон Беруний Ер радиусини ўлчаганидан 500 йил кейин Европада бу масалага қизиқиш уйғонган.

Беруний планеталар ҳаракатини кузатиш билан уч ўлчов ҳақида фикр юритиб, фазовий координаталар ғоясини илгари сурганда XI аср эди. Орадан олти аср ўтгандан кейин француз математиги Рене Декарт координаталар системасини тузди.

Буюк қомусий олим ва классик шоир деб тан олинган Абу Фатҳ Умар ибн Иброҳим Хайём ўзи раҳбарлик қилган расадхонадаги 33 йиллик астрономик кузатишлари натижасида XI аср охирларида тузган янги тақвим системаси Григорян календаридан аниқлиги билан фарқ қилишига нима дейсиз.

Умар Хайём учинчи даражали тенгламаларни ечиш бўйича ўзидан олдин асар ёзилмаганини айтиб, бу муаммо устида шуғулланади ва уни турларга бўлиб, масалани геометрик усулда — конус кесимлар ёрдамида ҳал қилганида X-XI аср эди. Европада Нильс Генрих Абель XIX аср бошларига келиб бу муаммо билан шуғулланган.

Умар Хайём геометрия соҳасида, «Евклид китобининг кириш қисмидаги қийинчиликларга шарҳ» номли асарида XI асрдаёқ Евклид геометриясидан фарқ қилувчи Ноевклид геометрияси ижод этилишига замин яратган бўлса, орадан саккиз аср ўтгандан кейин рус олими Николай Иванович Лобачевский ва венгр математиги Янош Бояйлар бу ғояни ниҳоясига етказдилар.

Маъмун академиясининг 1000 йиллиги ва Энг улуғ байрам — Мустақиллигимизнинг 15 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз.

Халқимизнинг маданий ва илмий меросини ўрганиш учун кенг имкониятлар яратилди. Бу меросларни тўла-тўкис ўрганиш эса бизнинг муқаддас бурчимиз. Зеро, истиқлол давридагина халқимиз асрлар давомида ота-боболари яратган илмий ва маданий бойликларнинг чинакам эгаси бўлди.

Умид ИСМОИЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

Ёз — ўтмоқда соз

Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатига қарашли Пискент туманида жойлашган "Тонг" болалар оромгоҳида болалар мазмунли ҳордиқ чиқаришмоқда. Улар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу ерда ёз мавсуми пайтида 668 нафар корхона ишчисининг фарзанди дам олиши кўзда тутилган. Оромгоҳда болажонларга тўрт маҳал иссиқ овқат бериляпти. 20 дан ортиқ спорт тўгараклари, ўндан ортиқ ҳар хил тўгараклар мавжуд. Болалар бу ерда ўз билимларини ҳам янада оширишади.

Суратларда: Оромгоҳ ҳаётидан лавҳалар. Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.

Эзгу мақсад йўлидамиз

Партиямиз ўз фаолиятини бошлаган вақтдан буён халқ дарди, манфаати, бахти учун меҳнат қилмоқда, десак муболаға бўлмайди. Буни ЎзМТДП Норин туман кенгашига ишга ўтганимдан сўнг янада тўлиқ англадим.

Партия Марказий кенгашининг иш режаси ва тадбирлари, вилоят ва туман кенгашларининг иш режаларида ҳам фақат халқ учун хизмат қилиш, партия аъзолари учун ғамхўрлик кўрсатиш, фаол аъзоларни моддий рағбатлантириш, кам таъминланганларга моддий ёрдам бериш, турли тадбирлар ўтказиш сингари эзгу мақсадлар белгиланган.

Партиянинг туман кенгаши ишни аъзолар сафини кенгайтириш, партиянинг асосий мақсад ва вазифаларини аҳолига тушунтириш, тарғибот қилиб боришдан бошлади.

Саъй-ҳаракатимиз бесамар кетмади. Партиямиз сафига 800 га яқин аъзо қабул қилинди. Улар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Йил бошидан аниқ режа асосида иш олиб борилмоқда. Режага кўра тумандаги барча таълим муассасаларида тадбирлар, қизиқарли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда, кам таъминланган, бемор, ногиронлар, ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олинмоқда, партия фаоллари рағбатлантириб борилмоқда.

Ҳамиша дийдорлашиб, дардлашиб, фикрлашиб турсак, ҳаётимиз тўкис бўлиб боради.

Қадр, меҳр-мурувват... учрашувларимиз, тадбирларимиз замирида мана шундай эзгу туйғулар мавжуд.

Мулоқотларимиз ёшларни яшашга ўргатувчи яхши бир муаллимдир аслида.

Раъно БОЗОРОВА, ЎзМТДП Наманган вилояти Норин туман кенгаши раиси.

БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

Мулоҳаза

Синглимнинг туғилган куни эди. Хурсанд қилиш мақсадида уни ўзи ёқтирган фильм намойишига олиб бордим. Алишер Навоий номидаги санъат саройининг муҳташам залига томошабинлар аллақачон йиғилиб бўлган. Биз ҳам бўш ўринлардан бирига ўтираётгандик, орқа тарафдан бир қиз эътироз билдирди:

— У ер банд, бошқа жойга ўтиринг!

Буйруқ оҳангидаги бу хитоб нафсониятимга тегди, қолаверса, салгина аввал шу ерга ўтиришга тараддудланаётганимизда худди шу қизнинг: «Оббо, бизни тўсиб қўяди, бошқа жой қуриб кетганми!» — дегани қулоғимга чалинганди. Синглимдан ҳам кичик бўлган бу қизнинг қўполлиги жиғимга текканини яширмай, мен ҳам жавоб қайтардим:

— Ҳар қалай, бу жойни сотиб олмагандирсиз?

— Сотиб олган бўлсам-чи!

Айни шу топда гап гапга уланиб, жанжал чиқиши табиий эди. Бироқ ўзимни босдим. Қиз ҳозир шунақа ёшда, барибир битта гапдан қолмаслиги аниқ эди.

Хуллас, фильм бошланди. Фильмнинг руҳиятга таъсир қиладиган, ўзига чорловчи, ибратли жойлари кўп эди. Лекин боя мен билан тортишган қизнинг шериги билан овози борича гаплашиши, қўл телефонида ким биландир андиша кўчасидан анча йироқ бўлган сўзлашуви асабга тегмай қўймасди. Бунисига ҳам чидаб ўтирдик. Бир маҳал синглим ортига ўгирилиб:

— Оёғингизни йиғиштириб олинг, — деди.

— Ногиронма-ан, оёғим чўлоқ, йиғиштиришнинг иложиси йў-ўқ!

Қиз шундай дея, овозининг борича ҳирингланди. Билишимча, у синглим ўтирган ўриндиқ суянчиғига оёғини тираб, унинг сочидан тортган. Яширмайман, унинг ўрнида синглим бўлганида шу безбетлиги учун чаккасига тарсаки тортиб юборган бўлардим... Қизиқ, қизини қўл телефонидан тортиб, тилла матоҳларгача таъминлаб қўйган ота-она наҳот уни оддийгина — жамоат жойида ўзини тутиш одобидан сал бўлсин бохабар қилмаган бўлса? Таассуфлар бўлсинки, бугун кўча-куй, автобус, кинотеатр ва шу каби гавжум жойларда бундай қизларни кўплаб учратиш мумкин. Шу тахлит қилиқларга одатланган қизлар эртага бировнинг уйига келин бўлиб борса, панд еб қолмайдими? Ўз фарзандларини яхши еб, бировдан кам бўлмай кийиниши ҳақида қайғураётган ота-оналарни нега уларнинг тарбияси, юриш-туриши ташвишлантирмаяпти?..

— Кўйлакнинг итидан кийиб олибдими, Феруз?

Мана, сизга ўз тилига бўлган «ҳурмат»нинг намунаси! Мана, сизга "Кўзларинг маъюс" фильмидаги биргина сўзнинг ёшлар тарбиясига кўрсатган салбий таъсири. Ўша фильмда қаҳрамонлардан бири худди шу сўзни ишлатган эди.

Шу ўринда бир маълумот. Мутахассислар фикрича, болага ташқи муҳитнинг таъсири катта бўлиб, у ҳатто ёруғ дунёга келмасиданоқ, онаси эшитган мусиқа, у ўқиган китоб ёки томоша қилган фильмдан таъсирланар экан. Ўз-ўзидан бу бола туғилганидан то улғайгунича атрофида юз бераётган воқеалардан қандай сабоқ олишини таъкидлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак...

Фильм ҳам ниҳоясига етди. Уйга қайтиш учун автобусга чиқдик. Бир-икки бекат юрганимиздан сўнг бир қизнинг кўзларида ёш билан зорланганги ҳамманинг диққатини тортди:

— Қизингиз тенгиман-ку, уялмайсизми шунақа қилишга?!

Нима гаплигини англабангламасимиздан қизнинг ёнида турган одамнинг ғудрангани эшитилди:

— Ириллама! Овозингни ўчир!

Барча ҳайрон. Қиз эса: «Худога солдим...» — дея тескари бурилиб олди. Шу пайт, билмадим қайси гуноҳи учун, ҳалиги одам қиз шўрликка астойдил қўл кўтариб, турткилай бошлади.

Қўлида дипломат, бўйнида бўйинбоғ, тақиб олган кўзойнагидан туппа-тузукдек кўринган бу одам инсонга хос бўлган барча фазилатларни унутгандек эди, шу чоғ. Автобусда ёши катта одамлар қанча кўп бўлмасин, улардан бирор кимса ҳалиги одамни ҳовуридан туширишга ҳаракат қилмасди. Хайриятки, анча нарида турган ёш бир йигит тиқилинчда амаллаб етиб келди-да, бояги одамнинг икки қўлидан маҳкам ушлаб, деди:

— Ака, ўзингизни босинг, қиз бола-ку!

Кинотеатрдаги дилхиралик ҳозиргисининг олдида гўё оддийдек эди. Ҳали ақлини танимаган ёш бир қиздан хафа бўлибману нақ қирқ ёшни қоралаб қўйган кап-катта одамнинг қилиғи мени ҳайрон қолдирди. Аёлга қўл кўтарганнинг таъзирини бериш ўрнига лоқайдлик билан томошабин бўлиб турганларга қандай баҳо бериш мумкин? Ҳозида миллатимиздаги меҳр-оқибат, андиша ва ҳурмат каби улуғ фазилатларга путур етмаяптими, деб ўйланиб қоласан, киши. Ахир бизнинг бошқа миллатлардан устун жиҳатимиз шу эмасми?

Муборак ОХУНОВА.

УМУМ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ПРИНЦИПЛАР

Ҳар бир соҳада бўлгани сингари ҳуқуқ соҳасида ҳам умум эътироф этилган ҳамда адолатни таъминлашга қаратилган принциплар мавжуд. Қабул қилинадиган қонунлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар айнан шу принциплар доирасидан четга чиқмаслиги лозим.

1945 йил инсоният ҳаётида муҳим ҳодиса юз берди. Йўқ, гап иккинчи жаҳон уруши тугаши ҳақида эмас, дунёдаги энг нуфузли халқаро ташкилот – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилиши ҳақида кетмоқда. Уни тузишдан асосий мақсад – дунёда доимий тинчлик ўрнатиш, инсониятни уруш офатларидан халос этиш, мамлакатларни бирлаштириш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, миллатлар тенглигини қарор топтириш каби инсонпарварлик принципларини тарғиб этиб, уларга амал қилинишини таъминлаш эди.

1948 йилда ушбу принципларни ҳаётга тадбиқ этиш ва амалга ошириш мақсадида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинди. Ундан кейин яна муҳим уч ҳужжат, яъни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт ва факультатив протокол қабул қилинди. Ушбу халқаро ҳужжатлар 1976 йилдан амалга киритила бошланди ҳамда бу ҳужжатлар ҳозирда "Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Билль" деб юритилмоқда.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳамда манфаатларининг таъминланиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексида кўрсатилган қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, адолатлилик, одил судловнинг фақат судлар томонидан амалга оширилиши, айбсизлик презумпцияси, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш каби принципларидир.

Ушбу принципларнинг амал қилиши Конституция билан кафолатланади. Ҳуқуқий кафолатларнинг асосий мазмуни ва мақсадини эса фуқаролар, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотлари ва давлат органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат ҳуқуқий институтларининг мавжудлиги ташкил этади.

Фуқароларнинг муҳим ҳуқуқий кафолатларидан бири уларнинг судга мурожаат қилишидир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланишича, "Жиноят содир этишда айбланаётган ҳар бир инсон унга ҳимоя учун барча имкониятлар яратиб берилиб, суд мажлисида ошкора тартибда қонуний йўл билан унинг айбдорлиги аниқланмагунча, беайб деб ҳисобланиш ҳуқуқига эга". Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига асосан, "Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи билан кафолатланади".

Хуллас, ҳозирда ҳаётимизни умум эътироф этилган принципларсиз тасаввур қилиш қийин. Улар ҳар бир босаётган қадамимизнинг асоси ҳамда йўналишини белгилаб берувчи омил сифатида намоён бўлмоқда. Умуман олганда, бундай принциплар мавжуд бўлмаганда, қонун-қоидалар ўртасидаги боғлиқлик ҳамда одиллик мувозанати бузилган бўларди.

Гулчеҳра ҚУДРАТОВА,
Тошкент Давлат юридик институти талабаси.

Такрор мутолаа

ДАШТУ АЛАЛАРДА



Мурод Муҳаммад ДЎСТ

(Боши ўтган сонларда)

Полвон уни таниёлмай қолди. Йигитнинг кайфи бузуқ, мўйловининг учларигача титраб турибди, индамасанг, урадиган шашти бор. Полвон, бир кўнгли, гарданига солай, деб ўйлади, лекин шайтонга ҳай берди: қўй, баравар бўлиб ўтирма, бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом, қўй, Полвон, ўзингни бос!

Орқасига юрди. Сатторқул изидан қолмади.

— Кет! — деб бақирди у тағин. — Қайтиб шу кўчада қорангни кўрсам, оёғингни уриб синдираман!

Полвон бўғилиброқ кулди. Ўзининг не алфозда кетаётганини ўйлади: елкалари қисиқ, қадди букик, бўйнига мушт тушарини кутгандек. Уят, уят, не кунларга қўйдинг, Хатча? Сендан шуни кутиб эдимми, Хатча? Кўрган биров нима деб ўйлайди, энағар Хатча?! Ер билан битта қилдингку!..

Номус зўр чиқди, чидолмади, таққа тўхтади. Сатторқул ҳам тўхтаса дуруст эди, аммо у тўғри бостириб келди, мушт кўтарди, лекин улгурмади, ўзи зарбдан ерга ағдарилиб тушди. Полвон уни билагидан даст ушлаб, силтаб турғазиб қўйди, лекин гап қотмади, йўлида кетаверди.

Еган мушти алам қилган экан. Сатторқул ярим йўлда, адирдаги туяқудуқ ёнида қувиб етди. Ёлғиз эмас, қаватида яна икки отлиқ, бири — Аҳмад шайтон, униси — юқори лаби кемтик, жиккакроқ одам.

Этик қўнжига қўл юборса номардлик бўлади, гаврон ҳам пода қамалган камарда қолган — бир ўзи учовини даф этарга ҳоли келмади. Бир нафасда қўлларини орқасига қайириб бойлашди, сўнг ҳалиги лаби кемтик йигит беҳосдан тақимига тепди — Полвон чалқанча қулаб тушди. Ўрнидан турмоқчи бўлиб уринганида, Сатторқул келиб, елкасидан этиги билан босди:

— Хатчанинг талоғини айтасан! — деди у. — Кейин, майли, тусаган ёғингга кетабер. Айтсанг — бўшатамиз.

— Ҳозир бўшат, — дея Полвон қайнисига эмас, лаби кемтик йигитга юзланди. — Бўшатиб қўйиб гаплаш.

Полвоннинг ўзига беписанд қарагани Сатторқулга алам қилди:

— Э, бешбаттар бўлмайсанми!..

Этигининг учи билан Полвонни юзтубан ағдариб ташлади ва яғрини аралаш қамчи тортди. Ўрмаси майда экан — баданни тиғдек куйдириб ўтди.

Полвон иягини заранг ерга тираган куйи қотиб ётаверди. Аввалига оғриқни сезиб турди, қамчи ҳар тушганида эти кўпчиб-қабариб чиқаётганини ҳам билди, лекин бирпасдан сўнг эти ўлиб, қулоқларида қамчининг ҳавони визиллатиб чизаётган товушигина қолди.

Ишонгиси келмади. Тинчгина молини ҳайдаб кетаётиб эди, Махсум учради, талоқни олиб кетмоқчи бўлди, уни изига қайтариб, ўзи келди, мана энди, манави заранг ерда, туяқудуқ ёнида, қўллари боғлиқ, қимир этгани имкони йўқ, ер билан битта... Туш кўряпман, деб ўйлади у, ҳаммасини туш кўряпман. Сатторқул иним, подачининг туши қурсин, бир хил тушларимда мени илон чақади, тиши этигимдан ўтиб болдиримга санчилади, дод дейман. Додлайману уйғониб кетаман, сениям туш кўряпман, Сатторқул иним, яхши қилмадинг, иним, майли, қаттиқроқ ур, токи мен уйғониб кетай... Ёлғизлик ёмон, иним, сизлар учов, мен бир ўзимман... Сен ҳам ҳарсиллаб қолдинг, чарчадинг, иним, майли, қамчини лаби кемтик жўрангга бер, у ҳам урсин, айт, қаттиқроқ урсин, урмаса ҳам сермаб ўтганида яғринимдан парча-парча эт узиб олсину мен уйғониб кетай, тушдан фориғ бўлай, ёнимда Хатчани кўрай, тушимда бўлсаям уни уйга обкетай, майли, урабер, иним, яра-чақа бўлса битиб кетар, тўхтама, нега тўхтадинг ёки менга раҳ-

Ҳикоя

минг келдими, йним?..

Чидаб ётди. Инграмади. Бир маҳал ҳаво дим тортганини сезди. Дим, эпкинсиз, қуюқ. Елкасидан чиққан тер кўзёшидай иссиқ... Терми бу, қон эмасми?.. Қип-қизил, кўзёшидай жизиллатади, сарғиш чакмонни бағир тусига бўяб боряпти...

Кўзларини йириб олдинда бир жуфт тоштовон этикни кўрди. Ағдарма кўн, чоклари пишиқ, жийрилган жойи йўқ, фақат нағали ейилибди, қушнинг тилидай юпқа, бугун-эрта узилади...

Этиклар қимирлади. Полвон ётган жойида бир-икки силкиниб тушди. Кейин этиклар яна манглай тарафига ўтди. Полвон тағин уларга тикилди, бироқ этиклар тутқич бермади; соция сайин кичрайиб, узоқлашиб бораверди. Кўзларини юмаркан, чуқур тин олди, илжайди: этиклар қочди, қочди!..

...Саҳар маҳали кунботар тарафда йилқи кишнади. Сайҳонликдаги янтоқларни шитирлатиб салқин шамол турди. Полвон унга юз тутди — узоқ, то сал тетик тортгунича. Сўнг йилқи овози келган ёққа қараб ўрмалади.

Кўп судралди. Тиззалари, тирсаклари зирапчага тўлди. Тақирга етганида қуриган лой қисирқисир сина бошлади. Бир пайт бармоқлари балчиққа тегди. Чанқоқ хуруж қилди: балчиқни сиқимлаб оғзига солиб шимиди. Сув чиқмади ҳисоб, томоғига тиқилиб, нафасини қайтарди. Яна олдинга ўрмалади. Бирор беш дақиқа ўтиб, узатган қўли сувга тегди. Полвон икки-уч тўлғониб олга жилди-ю, бетини сувга ботирди, сўнг тирсакларига таяниб, тили билан ялашга тутинди. Кўнглида ғалати бир ғурур уйғонди, ўзининг мискинлигидан, манави қора балчиққа беланиб ётганидан, сувни қўрқди, қўли билан юзини пана қилди — қамчидан тўсгандай.

— Талоғимни айтдингизми? — дея секин, хўрланиб, келар балони даф этолмаслигидан қўрққандек сўради: кўзлари мўлтиради, этагидаги тезак ерга тўкилди.

— Айтардим, Хатча, — деди Полвон. — Айтардим, лекин энди бўлмайди, иложим йўқ, айтмас — қўрқоққа чиқаман. Чидайсан энди, Хатча...

Хадича йиғлади. Кўзларини артаркан, рўмоли бошидан сирғалиб тушди, сочлари елкасига ёйилди.

— Борайми? — деб сўради. — Урмайсизми?..

Полвоннинг хўрлиги келди: сени урган қўл синмайдими, Хатча?..

Хадича яқинроқ келди, эрининг уст-бошига чапланган лой ва қонни артмоқ бўлиб қўл чўзди, аммо ботинмади, ёвузликнинг ўзи маҳобатли бир девор мисол кўз олдини тўсди — қўлларини тортди, кўнглига яна қўрқув оралади.

Полвон ҳайратланди: сенга шунчалик кўнгил қўйиб эдимми, Хатча? Кел, қўлларимда азод кўтарай сени, ўн беш кунлик ойдай қучоғимни тўлдир. Хатча, мени қаттиқ-қаттиқ чимчила, зора сени туш кўрмаган бўлсам!..

У аёлни даст кўтариб олди. Хадичанинг билаклари бўйнига чирмашган замон мажоли қочди, гандираклаб кетди, лекин сал ўтиб билакларнинг қуйдиргувчи тафтига кўникди, чарчоғу оғриқ унутилди, гўё тани ҳам унут бўлди-ю, унинг ўзи бўйнига чирмашган билакларга айланди... Фақат юракларнинг ола-тасирлагани сезилади, гўё бутун дашту далалар уларнинг дупурига тўлган... Сени шунчалар соғиниб эдимми, Хатча? Кўнгилдаги кину ғазабим қани? Нега йиғлайсан, Хатча? Сен ҳам соғиндингми? Соғинганинг ростми, Хатча? Бирор нарса де, шубҳаларинг бекор де, Хатча, кўнглимни қабартма, белимни букма, гавҳарни тошга урмайлик, Хатча!..

Аёлнинг юзига тикилиб, гумонига тасдиқ излади. Лекин Хадичанинг турган-битгани — юзу кўзи, бўйнига чирмашган билаклари, ёқасига қадалган қатор садаф тугмаларигача иффатга ёр, шубҳага зомин эди.

Хадича эрининг кўзларида бир оғриқ кўрди, аммо сўз сўйларга мажоли етмади, бўғзига тиқилган аччиқ хўрсиниқни ичига ютди-ю, унинг тарашадек қотган жун чакмонига бетини буркади...

ЎРИКЛИСОЙ ИЛҲОМЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Ижодкорлар ўз йўналишлари бўйича гуруҳларга бўлинди. Мана, энди маҳорат майдонида ким нимага эришган бўлса, устозларга намоён қилиши керак.

— Зомин анжумани ёш ижодкорларнинг асарларини баҳолайдиган, уларни катта адабиёт оламига учирма қиладиган ўзига хос кўрик-танлов, мушоира сифатида кўп бор эътироф этиляпти, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов. — Мен бунга шуни қўшимча қилиб ўтишни истардимки, ушбу адабиёт йиғини кекса авлод учун ҳам ўзига хос мактаб, ўзига хос сарҳисоб анжуманидир.

Кечга бориб мушоира янада қизиди. Яъни устозлар шогирдлари олдида янги шеърларини ўқиб бердилар. Бу ҳам қайсидир маънода имтиҳон эди.

Семинарнинг энг қизиқ паллалари иккинчи куни бўлиб ўтди. Иштирокчилар икки соат мобайнида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлишди. Устоз билан юзма-юз суҳбат ҳар бир ижодкорда катта таассурот қолдирди.



Нўъмонжон Муҳаммаджонов олган суратлар.

Учрашувнинг учинчи кунида ғолиблар номи эълон қилинди. Ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Зомин семинар-кенгашининг бош совринига қорақалпоғистонлик Шаҳло Шукрулло қизи эга бўлди.

Албатта, улоққа келганларнинг ҳар бирини чавандоз деб айтилади. Аслида бунда ҳеч ким мағлуб эмас, ҳар бир ёш ижодкор ўз йўналиши бўйича тақдирланади.

ЎзМТДП Марказий кенгаши семинардаги «Миллий руҳдаги энг яхши асар» номинацияси бўйича ғолибни тақдирлаш ташаббуси билан чиққан эди. Бу йўналиш бўйича мукофот хоразмлик Гўзал Матёқубовага насиб этди.

АВТОБУСДАГИ СУҲБАТ

— Жуда ҳаяжондаман. Очиғи, кутмагандим. Ижодим устозлар томонидан беэътибор қолмагани, таниқли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад қўлидан соврин олиш ва айниқса, «Миллий тикланиш» партияси назарига тушганимдан бениҳоя хурсандман, — дейди Гўзал завқ билан.

— Бу анжуман 1997 йилда Зоминда илк бор ўтказилганида ёш қаламкашлар сафида иштирок этганман,— дейди Уйғун Рўзиев. — Ўшанда олган таассуротларим ҳали-ҳануз менга қувват беради. Биз билан бирга қатнашган ижодкорларнинг кўпчилиги бугунги кунда ижодларини самарали давом эттиришмоқда, шоир ва ёзувчи сифатида кўпчиликка танилиб қолишди. Катта орзулар билан қўлига қалам олаётган ёшларнинг кўпчилиги Зомин мактаби орқали катта адабиёт майдонига кириб келмоқдалар. Ёш қаламкашлар анжуманда устозлар билан юзма-юз бўладилар, уларнинг имтиҳонидан ўтадилар.

Бундан ўн йил муқаддам Юртбошимизнинг оқ фотиҳалари билан бошланган хайрли тадбирнинг яна бири тарих саҳифаларига битилди. Адабиёт байрамлари давлат тадбири даражасига кўтарилган юрт инсонларининг маънавияти юксак, Ватан келажаги порлоқ бўлмоғи шубҳасиздир.

Мақоламиз сўнгида Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг семинар қатнашчиларига чақириқ сифатида ёзилган қуйидаги шеърини келтиришни лозим деб топдик.

Муҳаммад СИДДИҚ.

Маҳмуд ТОИР

Зомин ёшлари

Ҳар кўнгил бир дарё, оқмоқ истаса,
Ҳар дилда бир чўғ бор, ёқмоқ истаса,
Истаса, шеър отлиқ чақмоқ истаса,
Дилбар дил аҳлининг биз дилдошлари,
Хуш кўрдик, хуш кўрдик, Зомин ёшлари.

Нима бор демангиз Зомин тоғида,
Поклик қайнаб ётур ҳар булоғида,
Қуёш қалам ўйнар ой ўроғида,
Шеър битса дафтардир ҳатто тошлари,
Қалам қўлингизда, Зомин ёшлари.

Мажнунтол тагида Миртемир гувоҳ,
Баъзан шеър бўларкан биттагина оҳ,
Абдулла Орифнинг изида ирмоқ,
Соғу омон бўлсин олтин бошлари,
Ватан чироғидир Зомин ёшлари.

Ой доғин терарлар ойдин тунлари,
Зулфия момонинг оппоқ гуллари,
Эй назм боғининг хуш булбуллари,
Ҳамид Олимжоннинг дилқуёшлари,
Қувонч қўнғироғи Зомин ёшлари.

Ҳар ким хўплолмагай кўнгил чашмасин,
Шундай шеър ўқингки, тошлар гулласин,
Муҳаммад Юсуфнинг руҳи қўлласин,
Ўзбекий рангдадир кўзу қошлари,
Зомин ёшлари бу, Зомин ёшлари.

● *Саломатлик сирлари*

МЕЪДАНГИЗНИ АВАЙЛАНГ

Бемор одамнинг кўнглига қил сиғмайди. Касаллик соғлом ҳаётнинг кушандаси, инсон умрининг душманидир.

Шунинг учун тиббиётчилар касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал, дейишади. Энг ёмони, бетоблик даврида орттирилган дардларнинг йиллар ўтса ҳам йўқолмай, инсон вужудида томир отиб бораверишидир. Ҳаммага ҳам яшаш имконияти бир марта берилган. Шундай экан, умрни сермазмун ўтказишни истаймиз, орзу-истакларимизни амалга ошириш йўлида тиним билмай изланамиз, мақсад-манзиллар томон интиламиз. Кўнгилдагидек яшаш учун эса саломатлигимиз жойида бўлиши керак, албатта. «Соғ танда соғлом ақл», деб бежиз айтмаган донолар.

Кўпчилик одамлар ёши ўтган сари ошқозон оғриғидан нолийди. Аслида, меъда-ичак касалликларининг кўпчилиги нотўғри овқатланиш ёки вақтида овқатланмаслик натижасида келиб чиқар экан. Машҳур аллома Абу Али ибн Синонинг фикрича, меъда касалликларининг аксарияти ҳазм қилиш фаолиятининг бузилишидан бошланади. Тиб илмининг султони бўлган бобокалонимиз «Тиб қонунлари» асарининг II китобида шундай ёзади: «Тўлиқлик меъданинг душманларидандир, шунинг учун очофат кишининг бадани семирмайди, чунки унинг егани ҳазм бўлмайди ва ундан баданига ҳеч нарса қўшилмайди. Аммо ҳали иштаҳаси бўла туриб, овқатдан ўзини тортувчи киши семиради, чунки меъдаси овқатни яхши ҳазм қилади».

Халқ орасида «Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб», деган гап бор. Ошқозон-ичак касалликлари билан оғриган беморлар бу касалликнинг асорати оғирлигини яхши билишади. Биринчи навбатда, касаллик белгилари пайдо бўла бошлаган даврдаёқ мутахассис шифокорга мурожаат қилиш зарур. Парҳез қилиш ҳам фойда беради. Касалланган аъзога ҳазми оғир таомлар истеъмол қилиш билан оғирлик тушириш ярамайди. Шифокор маслаҳатига таяниб иш тутиш керак. «Тиб қонунлари»да яна шундай фойдали маслаҳатлар бор: "Шира ва бошқа хил буриштириш хусусияти бўлмаган моддалар меъда учун ёмон. Бутун ёғлар меъдани бўшаштиради ва унга тўғри келмайди, энг яхши ёғлар зайтун ёғи, ёнғоқ ёғи ва писта ёғидир. Кўпинча меъдага зарар қиладиган нарсалар санавбар меваси, лавлаги, тоғ қора райҳони, яхшилаб эзилтириб пиширилмаган шолғом, қўзиқулоқ, Рум исмалоғидир. Сариғ йўнғичқа билан кунжут ҳам шулар жумласидан. Чунки улар меъдани заифлаштиради. Сут, илик ва ҳайвонларнинг мияси ҳам меъда учун зарарли. Шаробнинг қуюғи ва янгиси зарар қилади. Дорилардан меъда учун зарар қиладигани тоғ арчасининг уруғи билан панжагул уруғидир. Кучли қусиш тозалаш жиҳатидан меъдага фойда қилса ҳам, уни кучсизлантириши сабабли кўп зарар етказади...»

Алломанинг бу сўзлари айни ҳақиқатдир. Ҳар биримиз саломатлигимиз ҳақида қайғуришимиз керак. Аниқроғи, овқатланиш гигиенасига қатъий риоя қилиш зарур. Ана шунда, келиб чиқиши мумкин бўлган касалликларнинг олдини олган бўламиз.

Нилуфар ОТАЖОНОВА.

Кишининг ейиши оз бўлса, тани соғ бўлади, яъни оз еган кишидан саломатлик юз ўгирмайди. Кўп ейдиган киши касалликка кўп дучор бўлади. Бундан ташқари овқат кўп еган кишининг дил кўзи беркилади: тан мулки хароб бўлади.

Луқмони Ҳаким айтади: «Кимки кўп ейишдан сақланса, кўп дори ичишдан озод бўлади».

Абу Али ибн Сино айтади: «Бир кунда бир марта овқат ейишни машқ қил, овқат ҳазм бўлмай, устидан яна ема».

Олимлардан Фузайл айтади:

— Икки нарса киши қалбини қорайтиради: кўп ейиш ва кўп гапириш. Ҳакимларнинг айтишича, киши қирқ кунгача

Овқатланишдаги зарарлар ҳақида



доимий ҳолда фақат гўшт еса, қалб кўзи беркилиб, фаросати камайади, истеъмол қилмаганида эса асаби бузилиб, ахлоқи ёмонлашади. Гўшт гўштни ўстиради, яъни одамни семиртиради, ёғлар эса семиртириш хусусиятига эга эмас, чунки гўштдан қон ҳосил бўлади, ёғлардан эса бу хислат узоқ.

«Эт-этга, шўрва-бетга» деган мақол бор. Бу мақолнинг маъноси шуки, гўшт ейилса, кишининг гўшти кўпаяди, шўрва ичганда эса юзи қизаради, холос.

Агар гўшт асал ичига солиб қўйилса, худди янги гўштдай бузилмай турaверади. Дўстлар билан бирга ейилган таом ҳам лаззатли бўлади. Аждодларимиз дастурхонга биратўла ҳар хил неъматларни келтириб қўйишни одат қилганлар. Бунинг сабаби шуки, ҳар ким ўзига ёққан таомни ейди. Маълумотларда айтилишича, киши ерталаб овқатланмасликни одат қилиб олса, касалликка чалинади.

Донишманддан сўрадилар:
— Дарднинг келиши нимадандир?
Донишманд жавоб берди:
— Баднафсликдандир.
Донишманддан яна сўрадилар:
— Давоси недур?
Донишманд жавоб берди:
— Нафсни тийишдур.

Тўпловчи: Саодат МУСАЕВА.

Нўъмонжон Муҳаммаджонов олган сурат.

Чўққиларга тикилган сари юксакликка интилар юрак...

XVIII Жаҳон чемпионати:
якунлар, таҳлиллар

Миллионлар ўйини номини олган футболнинг бугунги кунга келиб миллиардлаб ишқибозлари бор, десак муболаға бўлмайди. Шубҳасиз, сизу биз яшаётган замонда дунёнинг ҳар қайси нуқтасида ўтаётган футбол мусобақалари ҳеч кимни бефарқ қолдираётгани йўқ. Шу ўринда, албатта, қитъа чемпионатларига қизиқиш ўзгача бўлса, жаҳон чемпионатининг мавқеи унданда юқори.

1930 йилдан буён ўтказиб келинаётган жаҳон чемпионати бу йил 18-марта бўлиб ўтди. Шуниси қизиққи, чемпионатларда бор-йўғи саккизта давлат миллий терма жамоаси мундиал ғолиблигини қўлга киритишган. Яна шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, ана шу терма жамоалар Европа ва Америка қитъаси давлатларидир. Кубокка эгалик қилиш борасида Бразилия ҳозирча карвонбошилик қилмоқда. "Футбол афсунгарлари" ватани Бразилия ҳозиргача беш бор жаҳон чемпионатлари бош совринини бошлари узра баланд кўтаришга муваффақ бўлишди.

Сир эмаски, жаҳон чемпионатига мезбонлик қилувчи давлатга мусобақа орқали катта-катта даромад келиши билан бирга мазкур мамлакатдан ўта жиддий эҳтиёткорликни ҳам талаб қилиши табиий ҳолдир. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Германия жаҳон чемпионати орқали 10 миллиард евро ишлаб олган. Германия яшил майдонларида ўтказилган мундиал ҳам аввалгиларидек шов-шувларга бой бўлди. Гуруҳ баҳслариданоқ Польша, Чехия, Сербия ва Черногория, Хорватия каби давлатлар терма жамоаларининг мусобақани тарк этиши кўпчилик томонидан қилинган башоратларни йўққа чиқарди. Шунингдек, Гана терма жамоаси нимчорак финалгача йўл олишини ҳам кутилмаган воқеа сифатида эътироф этишимиз мумкин. Бу рўйхатга Австралияни ҳам бемалол киритишимиз мумкин.

Якоб Кун етакчилигидаги Швейцария давлати терма жамоаси ҳам Германияда қаҳрамонлик кўрсатишди. XVIII Жаҳон чемпионатининг мухлис ва мутахассислари яна шунга гувоҳ бўлишдики, бугунги кунда футбол учрашуви тақдирини ягона ўйинчилар ҳал қила олмас экан. Акс ҳолда, таркибида Шевченкодек ўйинчиси бор Украина, Фрэнк Лэмпард, Уэйн Руни, Дэвид Бэкхем, Стивен Жерардлардек футболчилари бор Англия, Павел Недвед, Ян Коллердек чарм тўп усталари бор Чехия каби терма жамоалар камида ярим финалда тўп суришга ҳақли эди. Яна бир мисол, Бразилия терма жамоаси ҳам Рональдо, Роналдиньо, Кафу, Дида сингари футболчилари билан ҳатто ярим финалга ҳам чиқа олмади. Эътиборли томони, 1994 йилдан буён "пентакампеон"лар кучли тўрт жамоа рўйхатидан жой олиб келганди. 1982 йилдаги жаҳон чемпионатида ҳам фақатгина Европа қитъаси вакиллари совринли ўринлар учун курашишган ва ўшанда Италия мундиал ғолиблигини қўлга киритганди.

Футбол

Энди Жаҳон чемпионатида ғолиб бўлган Италия терма жамоаси ҳақида тўхталсак. Бу жамоага Марчелло Липпи мураббийлик қилишни бошлаганидан сўнг биринчилик финалига қадар бирор марта ҳам майдонни мағлубият билан тарк этмаганди. Финалдаги ғалаба "Мовий гвардия"нинг мағлубиятсиз серияси-сини йигирма беш учрашувга етказди.



2000 йил Европа чемпионати финалида Франция ва Италия дуч келганди ва Давид Трезегенинг голи эвазига французлар чемпион бўлганди. Бу йил эса Давид Трезегенинг ноаниқ зарбаси миллионлаб французларнинг футбол мухлисларининг умидларини чиппакка чиқарди.

Кўпчилик ушбу учрашув келишмовчилик билан тугаганини ҳам кўп йиллар эслаб юрадиган бўлди. Баҳснинг қўшимча вақтида Зидан ва Марко Матерацци ўртасидаги кичик "дуэл" қандай якун топганининг гувоҳи бўлдик. Зидан ўзининг нопрофессионал ҳаракати билан ҳаммани ўзига қаратди. Зидан ушбу ҳолатига ўтган ҳафта изоҳ берди. Унинг айтишича, Матерацци унинг онаси ва синглисини ҳақорат қилган. Зидан шунга яраша жавоб берган.

Лекин барибир бизнингча Зидан XVIII Жаҳон чемпионатининг "энг яхши ўйинчиси" номига сазовор бўлди. Жаҳон чемпионатида тўпурарлик Мирослав Клозе (5 гол)га насиб этиши ҳам кутилмаган воқеа бўлди. Чунки мухлислар Рональдо, Анри, Роналдиньо, Оуэн, Креспо сингари моҳир ҳужумчиларнинг шода-шода голларининг гувоҳи бўлишдан умидвор бўлишганди.

Германиялик Лукаш Подольски чемпионатнинг "энг яхши ёш ўйинчиси" деб тан олинди ва у албатта, бунга ҳақли эди. Италия терма жамоаси дарвозабони Жанлуиджи Буффон эса энг моҳир дарвозабон дея эълон қилинди.

Шу тариқа тўрт йилда бир марта ўтказиладиган жаҳон чемпионати якунига етди. Энди 2010 йил Африка қитъасида ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионатини интизорлик билан кутамиз. Бу қитъада илк бор бўлиб ўтадиган мундиалда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам илк бор иштирок этса нур устига аъло нур бўларди. Бу фақат бизнинг эмас, миллионлаб ватандошларимизнинг ушалмай келаётган орзуси десак хато бўлмайди.

Мадина ОХУНОВА,
Хуснилла ҚОРАБОЕВ.

ЯҚИН ШАРҚ: УРУШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Исроил ҳарбий ҳаво кучлари Ливан пойтахти Бейрут шаҳрининг жанубий қисмини бомбардимон қилишни давом эттирмоқда. Хабарларга кўра, душанба куни Ливан томонидан ўттизга яқин киши ўлдирилган, элликдан ортиғи жароҳатланган.

Баалбек ва Тире шаҳарлари ҳам бомбалар натижасида жиддий шикаст кўрган. Душанба куни шимолдаги Триполи шаҳри бомбардимон қилинган.

Бунга жавобан, «Хезболлоҳ» гуруҳи вакиллари Исроиля шимолидаги шаҳарларга қарата ракета ўқ отишларини амалга оширишган. Хайфа шаҳри кетидан Акка, Нагария, Афула ва Назарет шаҳарлари ўққа тутилган. «Хезболлоҳ» агарда Исроил бомбардимон қилишни тўхтатмаса, кейинги нишон Тел-Авив бўлишини маълум қилишган. Разведка тахминига қараганда, «Хезболлоҳ» гуруҳи тасарруфида ҳақиқатан ҳам пойтахтгача етиб борадиган ракета қурилмалари мавжуд. Ғазо ҳудудидан ҳам Исроилга қарата 20 та «Қассам» русумидаги ракета отилган.

Исроил бош вазири Эҳуд Олмерт Ливанни ўққа тутишни тўхтатиши учун бир неча шарт эълон қилди. Унинг сўзларига қараганда, «Хезболлоҳ» гуруҳи ўтган чоршанба куни Ливан жанубида ўғирлаб кетилган икки нафар Исроил ҳарбий хизматчисини қайтариб бериши, Исроил ҳудудини ўққа тутишни тўхтатиши зарур. Яна бир шарт сифатида эса чегарага Ливан армиясининг жойлаштирилиши белгиланган. «Бизни уруш ва тўғридан-тўғри тўқнашув ҳолатининг юзага келиши мумкинлиги хурсанд қилмайди, аммо зарур бўлганда, бу йўлга киришдан ҳам ҳайиқмаймиз», — деган бош вазир Кнессет минбаридан туриб.

Санкт-Петербургдаги «Катта саккизлик» саммитида иштирок этган БМТ бош котиби Кофи Аннан БМТ Хавфсизлик кенгаши исроил-ливан можароси ҳудудига халқаро тинчликпарвар кучларнинг киритилиши масаласини кўриб чиқишини маълум қилган.

Европа Иттифоқи ва Россия Ливандан ўз фуқароларини олиб чиқиш тадбирларини жонлантирган. Исроил ташқи ишлар вазири Ципи Ливни Исроил Ливандан хориж фуқаролари эвакуация қилингунига қадар, бу мамлакатдан ҳаво ва денгиз блокадасини вақтинча олиб турилишини маълум қилган.

70 ГА ЯҚИН ОДАМ ҚУРБОН БЎЛГАН...

Охирги маълумотларга қараганда, Ирокда содир этилган теракт натижасида 70 киши ҳалок бўлган, 30 дан ортиқ одам жароҳат олган. Кун ярмида марказий бозорда портловчи моддалар билан тўлдирилган автомобиль портлаб кетган.

Полициячилар ва шифокорлар воқеа жойида жароҳатланган одамларга ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилганларида уларни маска кийиб олган террорчилар ўққа тутишган. Сўнгра террорчилар шаҳар кўчаларига чиқиб, шиалар яшайдиган ноҳияда отишма уюштиришган.

Уларни тутиш имкони бўлмаган. Полиция вакилларининг сўзларига қараганда, теракт суннийқўпорувчилар томонидан уюштирилган.

60 КИШИ БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН...

Индонезиядаги Ява оролининг ғарбий қирғоқларидаги Пангандаран курорт ҳудудида юз берган цунами натижасида 20 киши ўлган, 60 киши бедарак йўқолган.

Деярли 160 километрлик пляж йўлкаларига қуюндай ёпирилган цунамининг баландлиги, баъзи маълумотларга қараганда, икки метрни, айримларида айтилишича, беш метрни ташкил этган.

Офатдан қутулиш учун минглаб одамлар дарахтларга ёпишишган, баландликларга чиқиб олишган. Бир неча меҳмонхона шикастланган, қирғоқдаги битта ресторанни денгиз сувлари ювиб кетган.

Цунамининг сабаби сифатида Ҳинд океанининг 33 километрлик тубида юз берган 7,2 магнитудали ер қимирлаши кўрсатилмоқда. Унинг кетидан яна 6,1 магнитудали ер қимирлаши ҳам содир бўлган.

Эслатиб ўтамиз, Индонезия ҳудуди сейсмик жиҳатдан дунёнинг энг хавфли ҳудудларидан бири саналади. 2004 йилдаги 9,2 магнитудали цунами натижасида 230 мингдан ортиқ одам вафот этганди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ҳикматлар хазинаси

Жуброн ХАЛИЛ

ГУЛЛАР ҚЎШИҒИ

Табиат биз — гуллар тилида сўзлайди. Биз табиатнинг сўзларимиз. У баҳор, ёзда сўзлаб, қишда жим бўлиб, уйқуга чўмади, гул — сўзларини бағрига яширади. Биз самодан Ер майсазорларига тўкилган юлдузларга ўхшаймиз.

Табиат бағрида биз гуллар қишда она қорнидаги ҳомила бўламиз, баҳорда туғиламиз, ёзда ўсамиз, кузда ухлаймиз.

Биз гуллар билан севишганлар севганларини билдирадилар, биз тўйларда давранинг тўрида азиз меҳмонмиз, инсон ўлганида эса унга берилган охирги совғадирмиз.

Биз гуллар — водийларда чайқалиб, теварак-атрофни безаймиз, ҳавога атир бўйларини сочамиз. Ойдин кечаларда юлдузлар бизни томоша қилади, кундузи қуёш бизни эркалатади.

Биз — гуллар тонг шудрингдан май ичамиз, турғайлар қўшиғини тинглаймиз, рақсга тушсак — майса, ўт-ўланлар чапак чаладилар. Биз нурни, ёруғликни севганимиз учун юқорига қараймиз, сояни севмаймиз. Баъзи инсонлар эса, ёруғликдан кўра, сояни афзал кўрадилар...

ИНСОН ҚЎШИҒИ

Ҳақ таоло ўлик танангизга жон берди (йўқдан бор қилди), кейин ўлим беради, сўнгра яна тирилтиради ва Ўз хузурига қайтаради, шундай Зотни инкор қиласизми?

(Бақара сураси,28-оят.)

Азал деҳқони мени яратар экан, абадий ўлмас руҳимни вужуд қафасига жойлади.

Чексиз-чегарасиз замонлар қаърида парвоз қилаётган руҳим навдага асир бўлиб қолди.

Узоқ ўтмиш замонларда Конфуций таълимотини, Бараҳим ва Будҳа ҳикматларини, билим дарахти соясида ўтириб тингладим. Тури Синода Мусо бўлиб, Тангри жамолини талаб қилдим. Урдун (Иордан) дарёси бўйларида Иброҳим бўлиб, қўй боқдим. Насора қишлоғида Исо-Масиҳ бўлиб, мўъжизалар кўрсатдим. Мадинада Муҳаммад расулуллоҳнинг сўзларини тингладим.

Бобил қудратини, Миср шуҳратини, Юнон жалолатини, улуғворлигини кўрдим. Фиръавн сеҳргарлари, Оссурия коҳинлари, Фаластин анбиёлари билан суҳбатлашдим. Ҳиндистон ҳикматларини, Арабистон шеърияти наволарини севиб ўқидим. Ғарб созандаларининг жўшқин ҳис-туйғулари ифодаси бўлган мусиқани тингладим.

Энди замонлар ўзгарди, жаҳолат замони ўзини маърифатли кўрсатмоқда, иймон-эътиқоди йўқлар мустаҳкам эътиқодли бўлиб кўринмоқда. Ҳақиқатдан юз ўгириб, шубҳа-гумонлар билан яшамоқдалар. Одамлар ҳақиқат излайдилар, лекин топмайдилар. Баъзиларнинг кўзлари кўрга, қулоқлари карга ўхшайди.

Инсоният очофат, олчоқ босқинчи ҳукмдорларнинг жабр-зулмларидан эзилган, адолатсиз ҳукмдорлар, жаҳл-ғазаби билан ўз фуқароларини хўрлайдилар, золим ҳукмдорлар ўз қаҳру ғазабига қолдирлар.

Инсоният болалик чоғларида ҳам, йигитлик чоғларида ҳам, етук ёшда ҳам шу қилмишларни кўрди, тинглади.

Мен — инсон абадий эмасман, мен халқман ва бир куни Халлоқ даргоҳига қайтаман.

Маҳкам МАҲМУД таржимаси.

СП ООО «Textile Impex» преобразуеться на иностранное предприятие в форме общество с ограниченной ответственностью «Textile Impex». Все претензии принимаются в течении 1 месяца со дня опубликования. Тел.: 113-03-88, 113-03-89.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ҲАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 923.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 21.00